



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТАЖРИБАСИ

Ташходжаев Мухторхон Максудович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., доц.

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a28

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларини молиявий бошқаришининг замонавий назариялари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Олий таълим тизимини молиявий бошқариша АҚШ ва Жанубий Корея давлаталарининг тажрибаси тўғрисидаги илмий хуносалар шакллантирилган. Таҳдиотлар асосида олий таълим тизимини молиявий бошқариши такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: олий таълим муассасаси, молиявий менежмент, молиялаштириш, молиявий мустақиллик, таълим тўлови, олий таълим бозори

ОПЫТ УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСАМИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РАЗВИТЫХ СТРАН

Ташходжаев Мухторхон Максудович -
Независимый исследователь Ташкентского государственного
экономического университета, к.э.н., доц.

Аннотация. В статье анализируются современные теории финансового менеджмента высших учебных заведений и их особенности. Сформированы научные выводы об опыте США и Южной Кореи в управлении финансами системы высшего образования. На основе исследования разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на совершенствование финансового управления системой высшего образования.

Ключевые слова: вуз, финансовый менеджмент, финансирование, финансовая независимость, плата за обучение, рынок высшего образования.

FINANCIAL MANAGEMENT EXPERIENCE IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF DEVELOPED COUNTRIES

Tashkhodjaev Mukhtorxon Maksudovich -
Independent researcher of Tashkent State
University of Economics, Ph.D., assoc.

Abstract: The article analyzes modern theories of financial management of higher education institutions and their specific aspects. Scientific conclusions about the experiences of the USA and South Korea in the financial management of the higher education system have been formed. Based on the research, scientific proposals and recommendations aimed at improving the financial management of the higher education system were developed.


Key words: higher education institution, financial management, financing, financial independence, education fee, higher education market

Кириш. Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг ривожланган давлатлардаги тажрибаси молиявий мустақилликнинг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туришини қайд этиш лозим. Ушбу ҳолатда эса, олий таълим муассасаларида молиявий менежментнинг шаклланганлик даражаси ижобий тенденцияларни акс эттиради. Олий таълим тизимида молиявий менежментни ривожлантиришда молиявий манбалар улушкини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини рақобатбардошлиқ билан уйғунлаштириш мұхим ҳисобланади. Умуман, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджети ва хусусий (оила ва хўжалик юритувчи субъектлар) маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Олий таълим муассасаларида эса ушбу маблағлар манбаларини бошқариш билан боғлиқ ҳолатлар,

уларга устуворлик бериш билан уйғунлашган жараёнлар молиявий менежментни шакллантиришда алоҳида ўрин тутади.

2022 йил ҳолатига жаҳон мамлакатларида олий таълим муассасаларини молиялаштириш ЯИМнинг ўртача 1,5 фоизи ёки жами таълим харажатларининг 30 фоизи миқдорида эканлигини қайд этиш лозим. Бу рақамлар таълим тизимида нисбатан сезиларли даражада эканлигини кўриш мумкин.

2014 йилда Ғарб мамлакатларининг аксарият ривожланган давлатларида ушбу рақам 1,8 фоиз эканлигини кузатиш мумкин. Ваҳоланки, ЯИМга нисбатан харажатлар улуси юқори бўлиши мамлакатнинг ривожланганлик даражаси билан пропорционал боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Олий таълим тизимини ЯИМга нисбатан давлат бюджетидан молиялаштириш[1], фоизда, 2014 й.

Ууман, давлат бюджетининг таълим учун харажатлари ЯИМга нисбатан охирги 25 йилликда 3,9-4,4 фоиз оралиғида тебранаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу рақам 1999 йилда 4,1 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилда 4,3 фоизни ташкил этган[2]. Мазкур тенденциянинг ривожланиши 2009 йилга қадар барқарор бўлган бўлса, ундан кейинги даврларда пасайиш тенденциялари вужудга келганлигини кўриш мумкин. Шуниншдек, давлат бюджетининг таълим маблағларида олий таълим учун харажатлар улуси 20 фоиз атрофида эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Мазкур рақамдан кўринадики, олий таълим тизимиning таълим жами харажатларида катта улушга эга эмас ва етакчи давлатлар хусусий манбаларга кўпроқ урғу берётганлигини таъкидлаш мумкин[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

П. Албатч, Л. Рейсберг ва Л.Рамблей тадқиқотларида[4] олий таълим муассасаларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш сезиларлича камайган бир шароитда муаммоларни бартараф этиш ва олий таълим муассасаси ролини кучайтириш, қолаверса олий таълим муассасаси ҳисбодорлигини ошириш янги ислоҳотларни талаб этаётганлигини қайд этадилар.


Ууман, ривожланган давлатларда олий таълим муассасаларини давлат бюджети маблағларига эҳтиёждан ҳоли этиш тенденцияси мавжуд бўлса, ривожланаётган давлатларда хусусий маблағлар ҳисобидан молиялаштириш сезиларли эмаслигини кузатиш мумкин. Шундай бўлса-да, давлат ёки хусусий манбалар тўлиқ устунликка эга бўлган ҳолатлар ривожланган давлатга хос эмаслигини ҳам кўриш мумкин.

Масалан, ИХРТ (OECD) маълумотларига кўра, G20 давлатларидан Европа минтақаси давлатларида давлатнинг улуси кўп бўлса, бошқа минтақаларга хусусий манба маблағларининг устуворлиги хослигини кўриш мумкин. Жумладан, Германия, Франция, Туркия ва Россия каби давлатларда давлат бюджети улуси 65 фоизгача бўлса, Жанубий Корея, Япония ва АҚШ давлатларида хусусий маблағлар нисбати улуси 60 фоиздан ортиқ эканлигини қайд этиш мумкин[5].

Тадқиқотнинг мазкур қисмида ривожланган давлатларнинг олий таълим тизимидағи молиявий сиёсатига доир тенденцияларни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Бу борада, Осиёнинг етакчи давлатларида бири Жанубий Корея тажрибаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур давлатда хусусий олий таълим муассасаларининг улуси юқори бўлиб, олий таълим билан қамраб олишни ошириш мақсадида ҳукумат томонидан хусусий олий таълим муассасаларини ташкил этишга рухсат берган. Бундай тенденциялар XX асрнинг ўрталаридан кенг ривожлана борди ва давлат бюджетига бўлган молиявий юкни пасайтириш ва ёшларни олий таълим билан қамраб олишни ривожлантиришга қаратилган эди.

ИХРТнинг маълумотларига кўра, ҳам хусусий манба маблағларининг улуси, ҳам давлат бюджетининг улусига нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин. Унинг улуси 60 фоиздан ортиқлиги ва ташкилотга аъзо мамлакатларга ўртасида ЯИМга нисбатан харажатларнинг улуси – 2,5 фоизлик миқдор билан ҳам энг олдинги қаторда эканлигини таъкидлаш лозим.



2-расм. G20 мамлакатларида олий таълим тизимида маблағларнинг (давлат/хусусий) ўзаро нисбати, фоизда, 2019 й.

Таҳлил ва натижалар. Жанубий Корея тажрибаси. Б.Ким ва Н.Парк томонидан олиб борилган тадқиқотларда Жанубий Кореяning олий таълим тизимини молиялаштириш тенденциялари таҳлил қилинди[6]. Давлат бюджети томонидан олий таълим муассасаларига субсидиялар бериш 2 та шаклга асосланган ҳолда амалга оширилади. Биринчидан, институтга асосланган. Бунда муассаса инфратузилмасини ривожлантириш ёки янги дастурларни ишга тушириш учун маблағлар йўналтирилади. Иккинчидан, маълум дастурга асосланган молиялаштириш. Бу субсидиялаш шакли олий таълимнинг маълум соҳаларини ривожлантириш, мустақиллик ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш учун жорий этилган. Таъкидлаш лозим, бюджетдан субсидиялар берилганда молиялаштириш муддати дастурни амалга ошириш даври билан боғлиқ номувофиқлар айрим дастурларни тўлиқ яқунлашга имкон бермайди.

Хозирги кунда Ж.Корея давлатида олий таълим муассасалари хусусий манбалар, жумладан талабаларнинг тўлов-шартномаларига боғланиб қолганлигини таъкидлаш лозим. Бундай ҳолат мавжудлиги давлат томонидан молиявий фаолиятни тартибга солиш учун молиявий инструментлардан фойдаланишда турли кўрсаткичлардан фойдаланишни акс эттироқда. Бу эса, олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиқ салоҳияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра молиявий маблағларни тақдим этиш кўзда тутилмоқда.

Хусусий манбалар ҳисобидан таълимни молиялаштириш XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланганини кузатиш мумкин. Жумладан, олий таълим муассасалари талабаларининг 80

фоизи хусусий мактаб битиравчилари бўлса, уларнинг ота-оналари қўшимча (репетитор) ўқув машғулотлари учун ойига 364 АҚШ доллари сафр этишганини қайд этиш мумкин[7].

ИҲРТ мъалумотларига кўра, олий таълимни давлат томонидан молиялаштириш ташкилотнинг ўртачасидан кам ҳисобланади. Бироқ мактаб таълим мини молиялаштириш ЯИМга нисбатан ИҲРТ мамлакатларида ўртачадан бироз юқорироқ ҳисобланади. Шунингдек, 2011 йилда Жанубий Корея ҳукуматининг олий таълим тизимида маблағлар йўналтириши ЯИМга нисбатан 0,7 фоиз ва нодавлат ташкилотлар орқали эса 1,9 фоизни ташкил этган бўлса, ташкилотнинг ўртачаси мос равишда 1,15 ва 0,5 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин[8]. Фикримизча, Жанубий Кореяда олий таълим тизимидаги давлатнинг молиявий роли бошқаларга нисбатан бирмунча кам эканлигини кўриш мумкин.

1999 йилда Жанубий Корея ҳукумати томонидан Brain Korea 21 (BK21) дастури ишга туширидди. Бу дастурдан кўзланган асосий мақсад кореялик олим ва тадқиқотчиларнинг илмий жамоатчиликдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва бу орқали олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлашда иборат эди. Хозирги кунда мазкур дастурнинг 2020-2027 йилларга мўлжалланган 4-босқичи амалга оширилмоқда.

М.Мун ва К.Ким томонидан олиб борилган тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ислоҳотлар йўналиши тадқиқ қилинган[9]. 1998 йилда халқаро илмий ҳаволалар (Scientific Citation Index, Web of Science) базасида индексация қилинган Жанубий Корея олий таъ-

лим муассасалари сони шу каби Америка олий таълим университетларининг 3,9 фоизигагина тенг бўлганлигини қайд этиш лозим. Ўз навбатида, ушбу ислоҳотни амалга ошириш натижасида илмий (Scientific Citation Index, Web of Science) базадаги журнал мақолалари жаҳон бўйича 1,9 фоизга ошган вақтда, кореялик профессорларнинг нашрлари 15,6 фоизга ошганлигини қайд этиш лозим.

М.Мун ва К.Ким тадқиқотлари давомида Сеюл Миллий университетининг 2010 йилга келиб дунёнинг топ-40 университетлари қаторида бўлиши учун устувор йўналишларни санаб ўтадилар. Жумладан, ислоҳотларни кириш имтиҳонлари, бакалавр дастурлари, университет (молиявий ва академик) бошқаруви, ўқиш ва тадқиқот ишлари ва юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни ишга олиш жиҳатларига эътибор қаратади.

Умуман, халқаро рейтингларда Сеюл Миллий университети (КМУ) етакчи ўринларда туришини таъкидлаш лозим. Масалан, Academic Ranking of World Universities 2022 рўйхатида 98-ўрин, The Times Higher Education World University Rankings 2023 56-ўрин ва QS World University Ranking 2023 рейтингида эса 29-ўринда эканлигини қайд этиш лозим.

Мазкур университетнинг 2022 йилдаги молиявий натижаларига эътибор қаратсан, давлат университети сифатида 28 фоиз маблағлари ҳомийлик (эрдаумент маблағлари каби) ҳисобидан келган бўлса, 72 фоиз маблағлар доимий фаолиятидан келиб тушганлигини кўриш мумкин[10].

Мазкур университетни ректор (президент) бошқаради ва унинг ўкув, илмий ва стратегик режалаштириш ишлари бўйича З та ўринбосари мавжуд. Университет президенти кузатув кенгаши ва аудитор хизмати билан уйғунликда фаолият юритади. Университет кузатув кенгаши ваколатларининг айримларини қўйидаги таъкидлаш мумкин[11]:

Университет Президенти ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш;

университет йиллик фаолият режасини тасдиқлаш;

университет бюджети ва унинг ҳисоби бўйича масалаларни тартибга солиш;

университет молиявий қўмитаси (кенгаш) фаолиятини тартибга солиш;

университетни ривожлантириш фондини жорий этиш ва уни бошқаришни тартибга солиш;

университетнинг узоқ муддатли кредитлари ва облигацияларини жорий этишни тартибга солиш.

Фикримизча, мазкур қоидалар белгиланганлиги олий таълим муассасасининг мустақиллигини таъминлаш ва молиявий фаолиятнинг

замонавийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Университетнинг рақобатбардошлигини таъминлашда академик ва молиявий фаолият эркинлаштирилганлиги бир қатор омиллар мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, Университет кенгашининг молия ишлари бўйича қўмитаси бунга мисол бўла олади. Мазкур қўмита молиявий мустақиллик билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда асосий тузилмалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, университет низоми асосида ташкил этилган “тўлов-шартнома қийматини белгилаш (муҳокама қилиш) қўмитаси” ҳам эътиборга молик. Жаҳон тажрибасидан маълумки, талабалар томонидан тўланадиган шартнома суммасининг мустақил ишлаб чиқилиши таълим бозорида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга етарли шарт-шароит яратади, деб ўйлаймиз. Университетнинг бошқарув тузилмасида академик ва молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи бўлинмаларнинг ташкил этилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг баъзиларини қўйида кўриб чиқишимиз мумкин.

Академик фаолият бўйича проректор тузилмасида таълим йўналишларини жорий этиш ва тугатиш, қабул квоталарини бошқариш каби масалалар шулар жумласига киради. Илмий ишлар бўйича проректор тузилмасида илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ва стратегик йўналишларни белгилаш, университетнинг профессор-ўқитувчилари илмий нашрларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари кабилар шулар жумласига киради.

АҚШ тажрибаси. Тадқиқотнинг навбатдаги қисмида етакчи тажрибага эга давлатлардан бири бўлган АҚШ тажрибасини ўрганишга ҳаракат қиласиз.

АҚШ жойлашган олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини юқори эканлигини қайд этиш лозим. Жумладан, жаҳон олий таълим муассасалари биринчи топ-100 та рейтинги бўйича QS World University Rankings® 2023да 26 та ва The Times Higher Education World University Rankings 2023да эса 34 та, The Academic Ranking of World Universities 2022 да 39 та олий таълим муассасасининг қайд этилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Бу олий таълим муассасаларининг жаҳон даражасидаги мавқеи уларнинг академик ва молиявий мустақил қарор қабул қила олиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

АҚШда олий таълим тизимининг номарказлашуви XX асрнинг сўнгги йилларигача сезиларли даражага етиб борди. Хусусий ёки нотижорат олий таълим колледжларининг сони ортиб борса-да, ўтган асрнинг дастлабки уч чорагида олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичидаги давлат олий таълим муассасалари муҳим аҳамият касб этди ва ушбу рақам 80 фоиз атро-

фидаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилди[12].

Ушбу давр оралиғида Қўшма штатларда талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича жорий этилган таълим кредити механизми нинг вужудга келиши муҳим рол ўйнади. Мазкур таълим кредитининг жорий этилиши талабаларнинг ҳам хусусий, ҳам давлат олий таълим муассасаларида ўқиши учун кенг имкониятлар яратиб беришга ёрдам берди.

1999-2000 йилга келиб, талабалар учун таълим кредитидан фойдаланиш сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин. Жумладан, давлат оллий таълим муассасаларининг 64 фоиз, хусусий олий таълим муассасаларининг 81 фоиз талабалари бу кредит дастуридан фойдаланди[13].

Умуман, С.М. Майклнинг тадқиқотларида[14] 1939-2000 йилларда АҚШ олий таълимнинг муассасаларида молиявий маблағлар манбалари тўғрисидаги тенденциялар таҳлил қилинади. Унга кўра, хусусий олий таълим муассасаларида талабаларнинг тўлов-шартнома суммалари асосий 55 фоиз улушга, давлат олий таълим муассасаларида эса давлат бюджетининг улуши мос равища 74 ва 64 фоизга teng бўлганлигини кўриш мумкин.

Эътиборлиси, XX асрнинг охирги йилларига келиб, олий таълим муассасаларида давлат бюджети маблағларининг улуши камайиб бориш тенденцияларига эга бўлмоқда. АҚШ олий таълим тизимида муассасаларнинг тижорат хусусияти ортиб бориши ва тадқиқот натижаларининг саноатга сотилиши ортидан олий таълимга нисбатан ёндашув ўзгара борди. Муассасаларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиши ва инвестицион фаолият ривожланиши юзага келди.

Бу борада, Х.Режаповнинг тадқиқотларида АҚШ олий таълим тизимидағи айрим жиҳатлар таҳлил этиб ўтилади[15]. Унга кўра, олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг 5 та манбаи мавжудлиги таъкидлаб ўтилади:

–федерал бюджет, штатлар бюджети ва маҳаллий ҳукуматлар бюджетларидан ажратиладиган маблағлар;

–студентларнинг таълим учун тўловлари;

–олий ўқув юртларининг тижорат фаолиятидан оладиган даромадлари;

–ҳайрия шаклида берилган маблағлар;

–маҳсус фондлардаги жамғармалардан олинган фоизлар.

Юқорида келтирилган молиялаштириш манбаларининг ўзига хос хусусиятлари хусусий манбаларнинг ривожланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, ҳомийлик маблағлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб,

ушбу турдаги пул оқимларининг бир ерда жамланиши олий таълим ҳузурида жамғармалар вужудга келишига шарт-шароит яратиб берди. Бу эса, АҚШда олий таълим тизимида ажралиб турувчи тажриба юзага келди. Мазкур жамғарманинг шаклланиши эндаумент фондларининг ривожланиш босқичларига старт берди, десак тўғри бўлади.

Олий таълим муассасалари узоқ вақт давомида доимий инвестиция маблағларига эга бўлса-да, 1890-1930 йиллар оралиғида АҚШ олий таълим тизимида эндаумент фондлари муҳим хусусиятга эга эканлигини кўрсатди. Бунинг боиси сифатида университетларнинг мустақиллиги, барқарорлиги ва рақобатчиларга нисбатан қиёсий устунлиги уларнинг молиявий капитали миқдорига боғлиқлигини кўрсатиши мумкин. Ушбу амалиётни биринчи бўлиб амалга оширган олий таълим муассасаларида ўз маблағларини оширишга эътибор қаратила бошлади, натижада юқори мавқедаги мақомни сақлаб қолган рақобатбардош ва бой университетларнинг алоҳида қатлами шакллантирилди. Бинобарин, 1890-1930 йиллар оралиғида жамғарманинг бошланиши АҚШ олий таълим тизимидағи табақаланишга катта таъсир кўрсатди[16].

Эндаумент фондлари Буюк Британияда XV-XVI асрларда пайдо бўлган бўлса-да, АҚШ олий таълим тизимида барқарор суръатлар билан ривожланди. Эндаумент фондларининг вужудга келиши олий таълим муассасаларига қуйидаги фаолиятларни мустаҳкам молиявий таъминлаш имкониятини яратди:


– қўшимча маблағларни инвестиция фаолиятига йўналтириш, бўш турган маблағлардан молия бозорида самарали фойдаланиш;

– илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва янги ғояларни молиявий қўллаб-қувватлашни кўзда тутади;

– талабаларга молиявий ёрдам ва тўлов-шартнома суммаларини тўлаб беришда турли ижтимоий дастурларни молиялаштириш.

Эндаумент фондлари инвестиция фонди бўлиб, ундан тушган фойда ҳайрия учун йўналтирилган ва солиқлардан озод этилган бўлади. Жаҳондаги энг қадимий эндаумент Гарвард университети бўлиб, у биринчи бадалини битириувчилардан 1649 йилда ер участкаси кўринишида олган. Инвестиция активларини бошқаришдан олинган даромад ўқитувчи ва тадқиқотчиларга ойлик маошлари, талабаларга стипендия ва университет кутубхонасини, музейларини молиялаштиришга йўналтирилган[16].

Умуман, эндаумент фондларига олий таълим муассасалари битириувчилари ва бошқа ҳомийлар томонидан маблағлар беғараз тарзда ўтказиб берилади. Бундай ҳолатда донор томонидан берилган маблағдан фойдаланиш мақсадлари кўрсатиб ўтилиши мумкин.




3-расм. АҚШ эндаумент фондлари активларининг жойлаштирилиши[17], фоизда

Шунингдек, ҳомий томонидан пул маблағлари йўналтирилган факультет ёки кафедра ҳам кўрсатилган ҳолда манзилли тарзда тақдим этилиши мумкин. Агар беғараз маблағларнинг аниқ мақсадлари кўрсатилмаган бўлса, муассаса томонидан илмий ва ўкув мақсадлари учун фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, эндаумент фондлари маблағларининг вақтлараро қийматини сақлаб туриш учун олий таълим муассасаси маблағларни инвестицион фаолиятга йўналтириб, ундан олинган қўшимча даромадлар жорий харажатлар учун ҳам йўналтирилиши мумкин. Эндаумент фондининг афзаллик жиҳатлари унинг маблағларидан молия бозорида кенг фойдалана

олиш имконияти мавжудлиги билан баҳоланади.

2020 йилгача бўлган тенденцияда эндаумент фондлари маблағларининг молия бозоридаги жойлаштирилишини кузатиш мумкин. Хусусан, биржা орқали қимматли қофоз ва облигацияларга қилинган инвестициялар 2002 йилда 87 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, 72 фоизни ташкил этган (3-расм). Эътиборли жиҳати, табиий ресурсларлар бозорида ҳам молиявий манфаатдор сифатида иштирок этиш ҳолатлари вужудга келиши билан олий таълим тизими молиявий бошқарувида туб бурилишлар ясамоқда, десак хато бўлмайди.



4-расм. АҚШ эндаумент фондларидан фойдаланиш улуши[18], фоизда

АҚШ олий таълим тизимида эндаумент фондларидан фойдаланиш тенденцияларига эътибор берсак, маблағларнинг асосий қисми талабаларнинг ўқишлари учун молиявий қўллаб-куватлаш, яъни тўлов-шартнома пулларини тўлаб беришга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Бунда маблағларнинг 48 фоизи тўлов-шартнома учун йўналтирилган бўлса, 11 фоизи профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришга ажратилганлигини қайд этиш лозим (4-расм).

Эндаумент фондларининг солиқлардан бутунлай озод этилганлиги молиявий донорларнинг ташаббускорлигини ошириб, олий таълим муассасаларининг бу фаолиятдан манфаатдорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган. 2017 йил декабрь ойидан the "Солиқларни қисқартириш ва иш ўринлари тўғрисида"ги (Tax Cuts and Jobs Act) қонунининг амалга киритилиши эндаумент фондларига нисбатан ҳам солиқсиёсати ўзгаришига олиб келди.

АҚШ таълим консуллиги маълумотларига кўра, эндаумент фондларига нисбатан жорий этилган солиқлар хусусий олий таълим муассасаларига татбиқ этилди. Унга кўра, 500 дан

ортиқ тўлов-шартнома тўловчи талабалари бўлган ва активлари талаба бошига 500 минг АҚШ долларидан ортиқни ташкил этганда соф инвестиция фаолиятидан олган ялпи даромадига нисбатан 1,4 фоиз ставкасида солиқ тўлаши белгиланди. Ушбу солиқнинг жорий этилиши эндаумент фондларининг молиявий юклари ошишига олиб келди ва олий таълим муассасаларининг молиявий ташаббускорлигини хавф остига қўйди. Умуман, эндаумент фондлари олий таълим муассасаларида кузатув кенгашлари ёки муассасанинг молиявий фаолият бўлими, ёхуд бошқа профессионал компания томонидан бошқарилиши мумкин. Бу орқали эса, маблағларни бошқарувчи субъектни танлаш олий таълим муассасасининг мустақил қарори асосида амалга ошишини кузатиш мумкин.

Қайд этиш лозимки, эндаумент фондларининг ривожланиши олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий молиявий омилга айланиб улгурди. Масалан, етакчи олий таълим муассасаларининг эндаумент фондлари ҳажми айрим давлатларнинг ЯИМга нисбатан ҳам юқори эканлигини таъкидлаш мумкин.

1-жадвал

АҚШ олий таълим муассасалари эндаумент фондларининг ҳажми ва халқаро рейтингдаги ўрни

ОТМ номи	Эндаумент ҳажми[18], млрд. АҚШ доллари, 2021	Academic Ranking Shanghai[19], 2022	THE ranking[20], 2023	QS ranking[21], 2023
Гарвард университети	51,9	1	2	5
Йел университети	42,2	11	9	18
Стенфорд университети	37,8	2	3	3
Принстон университети кенгаши	37,7	6	7	16
Массачутес технологиялар университети	27,5	3	5	1
Пенсильвания университети кенгаши	20,5	15	14	93
Мичиган университети	17,0	28	23	25
Вашингтон университети	13,5	17	26	80
Дuke университети	12,7	31	25	50
Калифорния технология университети	3,8	9	6	6

Жаҳон банки маълумотларига кўра[22], 124 та давлатнинг ЯИМ ҳажми 50 млрд. АҚШ долларидан кам бўлса, 118 та давлатники эса 40 млрд. АҚШ долларидан кам эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, 43 та давлатнинг ЯИМ 3,6 млрд. АҚШ долларидан кам эканлигини қайд этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, дунёning етакчи халқаро рейтингларида АҚШ олий таълим муассасаларининг олдинги ўринларида турганлиги қайд этиш лозим. 1-жадвалда келтирилган 3 та етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам АҚШ олий таълим муассасалари дастлабки топ-100 талик рўйхатдаги улуши

биринчи катта улушга эга эканлиги қайд этилган.

Фикримизча, олий таълим муассасаларининг халқаро даражада рақобатбардошлигини таъминлаш молиявий менежментнинг қандай тузилганлиги таъсири остида бўлар экан. Олий таълим муассасасида ўқув, илмий фаолиятни ривожлантириш ва унинг сифатини оширишда молиявий маблағлар билан таъминланганлик ҳолати муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида давлат бюджетидан ёки талабаларнинг тўлов-шартнома пулларини ҳисобидан молиявий фаолиятни шакллантириш замонавий талабларга жавоб бера олмай қолиши мумкин экан.

Хуласа ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар асосида Жанубий Корея тажрибасидан қуидаги жиҳатларни мамлакатимиз тажрибасида қўллаш мақсадга мувофиқ:

Олий таълим муассасаларининг аудит хизматини ректорга эмас, балки муассаса кузатув кенгашига ҳисоб бериш амалиётини жорий этиш;

олий таълим муассасаларининг молия бозорида иштирок этишини кузатув кенгashi ваколати билан тартибга солиш амалиётини жорий этиш. Бунда депозит бозорида ҳам иштирок этишини назарда тутиш;

қабул квоталари миқдорини белгилаш ва янги таълим йўналишларини бозор талаблари асосида жорий этиш тўлиқ олий таълим ихтиёрида бўлишини кўзда тутиш;

профессор-ўқитувчиларнинг етакчи халқаро илмий базалардаги нашрлари учун бонуслар тўлаш тизимини жорий этиши.

АҚШ олий таълим тизимидағи мавжуд тажрибаларни эътиборга олиб, тадқиқотларимиз асосида қуидаги тавсияларни мамлакатимиз шароитида қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Давлат бюджетидан таълим кредити учун ажратилган маблағларнинг фоизли ва фоизсиз шаклларини жорий этиш. Бунда фоизсиз қайтариш муддатининг фоизлига қайтариш муддатига нисбатан қисқароқ бўлишига эътибор қаратиш.

2. Олий таълим муассасаларида эндаумент фонdlарини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва унда қуидагиларга эътибор бериш:

Эндаумент фондининг шаклланиш манбалари (ҳомийлик маблағлари, халқаро донор ташкилотлар маблағлари, битирувчи ва ҳамкор ташкилотларнинг маблағлари ва бошқ.);

Эндаумент фондининг маблағларидан фойдаланиш йўналишлари (талабаларни моддий қўллаб-куватлаш, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақига устамалар тўлаш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва бошқ.) кабиларнинг устуворлик тартибини белгилаш;

Эндаумент фондини жорий этиш тартиби (олий таълим муассасаси кузатув кенгashi томонидан белгиланиши);

Эндаумент фонди олий таълим муассасаси кенгashi томонидан жорий фаолиятни ташкил этиш ва у тўғрисида ҳисботларни тақдим этиб бориш тартибини белгилаш.

3. Эндаумент фондининг молиявий фаолиятини тартибга солишда давлатнинг фискал сиёсатининг ролини аниқ белгилаш.

4. Эндаумент фондининг маблағлари билан маҳаллий ва халқаро молия бозорларида иштирок этишнинг асосларини яратиш.

Фикримизча, мамлакатимиз олий таълим тизимининг молиявий менежмент асосларини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш ва унда хусусий маблағлар ролини оширишга қаратиш муҳим ҳисбланади. Бу борада, хусусий олий таълим муассасалари молиявий фаолиятини тартибга солиш ва барча олий таълим муассасаларида хусусий маблағлар билан ишлаш методларини тартибга солишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Government expenditure on tertiary education as share of GDP <https://ourworldindata.org/grapher/government-expenditure-on-tertiary-education-as-share-of-gdp>
2. Government expenditure on education, total (% of GDP). <https://data.worldbank.org/indicator/SE.XPD.TOTL.GD.ZS>
3. Expenditure on tertiary education (% of government expenditure on education). <https://data.worldbank.org/indicator/SE.XPD.TERT.ZS>
4. Altbach, P., Reisberg, L., & Rumbley, L. (2009). Trends in global higher education: Tracking an academic revolution. Paper presented at the UNESCO 2009 World Conference on Higher Education, Paris.
5. Spending on tertiary education Private/Public, % of education spending, 2019 or latest available. <https://data.oecd.org/eduresource/spending-on-tertiary-education.htm>
6. Kim, B., & Park, N. (2018). Lessons learned from financing universal higher education in Korea. International Journal of Educational Development, 58, 116–127. <https://doi.org/10.1016/j.ijedudev.2017.09.010>
7. Ёқубова Н.К., Саломова Б.В. Таълим тизими ривожланиши давлат тараққиётининг омили сифатида (Жанубий Корея ва Япония мисолида)//Замонавий таълим. – Т., 2017. – №9. 33-41-б. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-tizimi-rivozhlanishi-davlat-tara-iyotining-omili-sifatida-zhanubiy-koreya-va-yaponiya-misolda/viewer>
8. Organization for Economic Co-operation and Development (OECD), 2014. Education at a Glance. Korean Educational Development Institute.
9. Moon, M., Kim, KS. A case of Korean higher education reform: The brain Korea 21 project. Asia Pacific Educ. Rev. 2, 96–105 (2001). <https://doi.org/10.1007/BF03026294>
10. Seoul National University, <https://en.snu.ac.kr/about/overview/fact>
11. Seoul National University, https://en.snu.ac.kr/about/overview/organization/board_of_trustees
12. Goldin, C., Katz, L.F. (1999). "The shaping of higher education: The formative years in the United States, 1890–1940". Journal of Economic Perspectives 13, 37–62.
13. U.S. Department of Education, National Center for Education Statistics (2002). Digest of Educational Statistics, 2001. U.S. Government Printing Office, Washington, DC.

14. McPherson, M. S., & Schapiro, M. O. (2006). Chapter 24 US Higher Education Finance. Handbook of the Economics of Education, 1403–1434. doi:10.1016/s1574-0692(06)02024-1
15. Режапов Х.Х. Олий таълимни молиялаштиришининг хорижий тажрибалари. //Иқтисод ва молия. – Т., 2012. - №9. 31-36-б.
16. Kimball, B. A., & Johnson, B. A. (2012). The Inception of the Meaning and Significance of Endowment in American Higher Education, 1890–1930. Teachers College Record, 114(10), 1–32. https://doi.org/10.1177/016146811211401007
17. Режапов Х.Х. Олий таълимни молиялаштиришининг хорижий тажрибалари.//Иқтисод ва молия. – Т., 2012. - №9. 31-36-б.
18. Understanding College and University Endowments. American Council on Education <https://www.acenet.edu/Documents/Understanding-College-and-University-Endowments.pdf>
19. Historic Endowment Study Data 2023/17/02. https://www.nacubo.org/Research/2022_Historic_Endowment-Study-Data
20. 2022 Academic Ranking of World Universities. <https://www.shanghairanking.com/rankings/arwu/2022>.
21. World University Rankings 2023. <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/2023/world-ranking>
22. QS World University Rankings 2023. <https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2023>
23. GDP(current US\$) https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?most recent value_desc=false



САВДО МАҲСУЛОТЛАРИ ГУРУҲЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Абдухалилова Лайло Тоҳтасиновна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Маркетинг кафедраси профессори, и.ф.н.

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a29

Аннотация. Мақолада истеъмол бозорида савдо маҳсулотлари гуруҳларининг бозордаги ўрни, унинг сегментлаши, истеъмолчиларнинг хоҳиши-истаклари, савдо маҳсулотларининг реклама фолияти, савдо маҳсулотларининг рақобат муҳити, уларни маркетинг тадқиқотлари орқали ўрганиш ўйналишилари, маркетинг тадқиқоғтларининг қўйланилиш соҳалари ва маҳсулотларни сутувидағи муаммолар ўрганилиб, муаммоларни ҳал этишда илмий асосланган хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Ключевые слова: маркетинг, тараба, таклиф, рақобатбордошлиқ, маблағ, маҳсулот, ташкилот, фирма, корхона, истеъмол хусусияти, бозор сегментлаши, харид, импульс сотиб олиш, товарлар.

МАРКЕТИНГОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ГРУПП ТОВАРНОЙ ПРОДУКЦИИ

Абдухалилова Лайло Тоҳтасиновна -
Профессор кафедры "Маркетинг" Ташкентского
государственного экономического университета, к.э.н.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль сбытовых товарных групп на потребительском рынке на рынке, его сегментлаш, потребительские желания, рекламная слоистость сбытовых продуктов, конкурентная среда сбытовых продуктов, области их изучения посредством маркетинговых исследований, области применения маркетинговых исследований и проблемы в сбыте продукции, а также приводятся научно обоснованные выводы и предложения по решению проблем.

Ключевые слова: маркетинг, спрос, предложение, конкурентоспособность, фонды, продукты, Организация, фирма, предприятие, потребительская собственность, сегментлаш рынка, покупка, импульсная покупка, товары.

MARKETING RESEARCH OF SALES PRODUCT GROUPS

Abduxalilova Laylo Tahtasinovna -
Professor of the Department "Marketing" of
Tashkent State University of economics, PhD

Annotation. This article examines the role of sales product groups in the consumer market in the market, its segmentation, consumer desires, advertising foliation of sales products, competitive environment of sales products, areas of study of ulur through marketing research, areas of application of marketing research and problems in product sales, and provides scientifically based conclusions and suggestions in solving problems.

Keywords: marketing, demand, supply, competitiveness, funds, products, Organization, firm, Enterprise, Consumer property, market segmentation, purchase, impulse purchase, goods.

Кириш. Замонавий маркетинг тамойилла-рида бозорни ўрганишга алоҳида эътибор бери-

лади. Бозорни ўрганишдан асосий мақсад, унинг конъюнктурасига (ҳолатига) баҳо бериш ва ри-